

**Ўзбекистон Республикаси
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
академияси**



**Ўзбекистон Республикаси
Коррупцияга қарши курашиш
агентлиги**

**Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза
қилиш академияси ва Ўзбекистон
Республикаси Коррупцияга қарши курашиш
агентлиги ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик**

М Е М О Р А Н Д У М И

Тошкент - 2023 йил

**Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси
ва Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги
ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик**

МЕМОРАНДУМИ

Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси (кейинги ўринларда – Академия) номидан Е. Коленко ва Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) номидан А. Бурханов биргаликда Тарафлар деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6013-сонли ва 2022 йил 28 ноябрдаги “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ–257-сонли Фармонлари ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Давлат дастурлари ва бошқа дастурий ҳужжатларда белгиланган муштарак мақсад ва вазифаларга асосланиб,

коррупциянинг жамият барқарорлиги ва хавфсизлигига ниҳоятда катта зарар етказувчи, биринчи даражали хавфлардан бири эканлиги, мазкур иллатнинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга доир сай-ҳаракатларни уйғунлаштириш муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда,

кенг қамровли идоралараро ҳамкорлик коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини оширишини қайд этган ҳолда, қуйидагиларни ҳақида келишиб олдилар:

1-модда. Меморандумнинг мақсади

Ушбу Меморандумдан кўзланган асосий мақсад коррупциянинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш соҳасида ҳамкорликда илмий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш, коррупция ҳолатини тизимли таҳлилин аналга ошириш, шунингдек коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф қилиш, аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, коррупцияга қарши таълим ва малака ошириш тизимини жорий қилишдан иборат.

2-модда. Ҳамкорлик соҳалари

Мазкур Меморандум доирасида Тарафлар қуйидаги йўналишларда ҳамкорликни амалга оширадилар:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасида таълим дастурларини, шу жумладан консорциум доирасида вазирлик, давлат идоралари ва бошқа ташкилотларнинг ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида таҳлилий фаолиятни амалга ошириш;

- коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлигини оширишга оид социологик, махсус, илмий-амалий тадқиқотлар ҳамда бошқа турдаги тадқиқотлар ташкил этиш ва ўтказиш;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурлари ва бошқа дастурлар, шунингдек миллий стратегиялар лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

- соҳага доир халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга қаратилган самарали тадқиқот ва тадбирларни ўтказиш;

- коррупцияга қарши миллий қонунчиликни БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти Коррупцияга қарши тармоғининг Истанбул ҳаракатлар режаси тавсияларига мувофиқлаштиришга қаратилган қонунчилик ижодкорлиги билан шуғулланиш;

- БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси обзори ҳамда ИХТТ тавсиялари мониторингида иштирок этиш;

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Тарафлар келишувига кўра, ушбу Меморандум мақсадига зид бўлмаган бошқа тадбирлар ҳам ўтказилиши мумкин.

3-модда. Ҳамкорликнинг амалга оширилиши

Тарафлар Меморандумнинг 2-моддасида белгиланган ҳамкорликдаги тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш мақсадида манзилли ва даврий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Ушбу Меморандумнинг шартлари жамоатчилик асосида ташкил этилади ва моддий харажатларни талаб этмайди.

Меморандум доирасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган харажатлар ҳар бир Тарафнинг ўзига тегишли қисми бўйича ёхуд ўзаро келишувга мувофиқ қопланади.

4-модда. Ўзгартириш ва қўшимчалар

Ҳар бир Тараф ушбу Меморандумга ёхуд унинг бир қисмига ўзгартириш ёки қўшимча киритишни ёзма равишда таклиф этиши мумкин.

Тарафлар ўзаро келишган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда ушбу Меморандумнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва Тарафлар белгилаган кундан бошлаб кучга кирадиган баённома шаклида расмийлаштирилади.

5-модда. Меморандумнинг кучга кириши, амал қилиши ва ўз кучини йўқотиши


Ушбу Меморандум имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 5 (беш) йил муддат мобайнида амал қилади.

Тарафлардан бири Меморандум муддати тугашидан 3 (уч) ой олдин унинг амал қилишини тўхтатиш ҳақида ёзма хабарнома бермаса, Меморандум кейинги 5 (беш) йиллик муддатга узайтирилган ҳисобланади.

Тарафлардан бири Меморандумдан чиқиш истагини ёзма равишда иккинчи Тарафга жўнатади ва уни амал қилиш муддати 3 (ой) ойдан сўнг тўхтатилади. Бунда Меморандум доирасида тасдиқланган амалдаги чора-тадбирлар дастурлари ҳам ушбу муддат тамомланган кунда тўхтайди.

Ушбу Меморандум 2023 йил 6 июнь куни Тошкент шаҳрида ўзбек тилида бир хил юридик кучга эга бўлган икки асл нусхада тузилди.


**Ўзбекистон Республикаси
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
академияси номидан**



Е.В. Коленко

Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 42-уй

**Ўзбекистон Республикаси
Коррупцияга қарши
курашиш агентлиги номидан**



А.Э. Бурханов

Тошкент шаҳри,
Ш. Руставели кўчаси, 8А-уй